
Буйруқ бекор қилинди ва ходим ишга тикланди !

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 12.09.2022 йилги 2-1503-2201-6157-сонли қарорига кўра, қарздор Бешариқ туман Тиббиёт бирлашмасининг 09.06.2022 йилги 2022-2131-11-153-ТВ-сонли, 18.06.2022 йилги 2174-11-153-ТВ-сонли буйруғи ғайриқонуний деб топилган ва М.Отажонов ишга тикланиши белгиланган.

Мазкур ижро ҳужжати бюронинг Бешариқ туман бўлимига 15.09.2022 йилда келиб тушган ва ижро иши қўзғатилиб, дархол мажбурий ижрога қаратилган.

Қарздор корхона раҳбарига ижро ҳужжати талабларини дархол бажариш тушунтирилган.

Корхона раҳбари маъсулиятни ҳис қилган ҳолда ғайриқонуний деб топилган буйруғини қонунга мувофиқлаштириб, М.Отажоновни ўз лавозимига тиклаш ҳақида қонуний буйруқ қабул қилиниши таъминланиши натижасида ижро ҳужжатини ижроси 20.09.2022 йилда амалда ижро қилиниб, ҳуқуқи бузилган М.Отажоновни ҳуқуқи тикланиши таъминланди.

МИБ Бешариқ туман бўлими

Давлат ижрочиси

Ш.Мирзалиев

2022-09-27 18:30:55